*Бундан буён Ўзбекистонда биронта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


# Инсон ва қонун

2021 йил 9 март
сешанба
№ 09 (1265)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

www.hudud24.uz



hudud24
Endi 24 soat siz bilan!
Энг сўнгги хабарлар
Ҳуқуқий маълумотлар
Таҳлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар





ПАРФЮМЕРИЯ ҚИРОЛИЧАСИНИНГ АРМОНИ 6-БЕТ

ДЕТЕКТИВ АСАРЛАР ҚИРОЛИЧАСИ 6-БЕТ

СОЛИҚ ИДОРАСИДАН “СОЛИҚ” УНДИРИЛДИ 7-БЕТ




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

**Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар! Ҳурматли опа-сингиллар! Мунис ва лобар қизларим!**

Аввало, сиз азизларни, бутун юртимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон ҳаёти ва жамият ривожида муқаддас Она зоти, мунис аёлларимизнинг беқиёс ўрнини оддий сўзлар билан ифода этиш ниҳоятда қийин вазифа.

Мана шундай қутлуғ айём кунларида сиз, азизларнинг шаънингизга мадҳиялар айтиш учун одам шоир бўлиб туғилмаганига афсусланиб қолади. Бу ёруғ дунёни қуёшсиз, еру осмонсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам мўътабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

**Сизлар биз учун аввало муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидирсиз.** Бу азалий ҳақиқатни мураккаб пандемия шароитида айниқса чуқур ҳис этмоқдамиз.

Сизлар — фидойи шифокорлар, меҳрибон ҳамширалар кўрсатган жасорат ва матонат туфайли минг-минглаб беморлар шифо топиб, ҳаёт қувончини яна ҳис этди.

Сизларнинг устоз сифатидаги фаолиятингиз эвазига миллионлаб фарзандларимиз таълим ва тарбиядан узилиб қолмади.

Сизларнинг барча соҳалардаги фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Бугун биз барча соҳаларда маррани жуда катта оляпмиз, қанча-қанча улкан дастурлар, режа ва лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Улар биринчи навбатда оналаримиз, опа-сингилларимиз, азиз фарзандларимизнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизга доимо тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча улкан ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб келаётганингиз учун сизларга, бутун Ўзбекистон хотин-қизларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломат аёллар — хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан қутлаб, мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганлари учун уларга самимий ташаккуримни изҳор этаман.

**Қадрли дўстлар!**

Бугунги кунда азизу мукаррам аёлларимизнинг барча соҳа ва тармоқлардаги ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини республикамизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аёлларимиз орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари, нодавлат ташкилотларнинг фаол вакиллари борлиги барчамизни қувонтиради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.

Ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.



**Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз — халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.**

**Азиз ва қадрли опа-сингиллар!**

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хабарингиз бор, 26 февраль куни бўлиб ўтган видеоселекторда ана шу тизим асосида амалга оширилган ишлар ва олдимизда турган режаларни атрофлича муҳокама қилган эдик. Ана шу муҳим вазифаларни амалга оширишда сиз, ҳурматли опа-сингилларимиз бундан буён ҳам фаол иштирок этасизлар, деб ишонаман.

Кейинги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигида республика ишчи гуруҳи тузилиб, барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммолар аниқланди. Ушбу муаммолар бўйича манзилли иш олиб бориш учун мутлақо янги тизим – “аёллар дафтари”ни жорий этдик.

Кейинги 3 ойда республика комиссияси томонидан ушбу “дафтар”га киритилган 80 минг нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир аёлларнинг 32 минг нафари иш билан таъминланди. Инқирозга қарши кураш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам 17 минг нафар хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биргина “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Қарийб 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари томонидан ўқитилди, ҳунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди.

“Беш муҳим ташаббус” доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёллар бандлиги таъминланди.

Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилларимизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

2-БЕТ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

# Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилади. Мен бу борада куни кеча янги қарорни имзоладим. Унга кўра, жамиятда аёлларимизга бўлган эътиборни энг қуйи бўғин — маҳаллагача етказиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилмоқда.

**Бундан буён Ўзбекистонда биронта ҳам аёл давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмайди.**

Шунингдек, жорий йилда турмуш шароити оғир бўлган аёллар ҳамда ёлғиз онаси қарамоғида ўсган қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бюджетдан 210 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Бошпанаси бўлмаган аёлларни ижара асосида "ижтимоий уй-жойлар" билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм йўналтирамиз. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар парваришига эҳтиёжманд бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам бериш ва малакали тиббий ёрдамга муҳтож аёлларни даволаш учун қўшимча равишда 110 миллиард сўм берилади.

Шу билан бирга, аёллар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча равишда 600 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир муҳим масала. Кейинги пайтда униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз тарбиясига, умуман, оила институтига салбий таъсир кўрсатадиган оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб борилмоқда. Буни маҳалла фаоллари ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари билан ажралиш ёқасига келиб қолган 23 мингга яқин оила яраштирилгани, ажримлар сони 3 мингдан зиёдга камайгани ҳам кўрсатиб турибди. Лекин бир аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз керак: бу рақамлар ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Ўтган йили 28 мингдан зиёд оила ажралиб кетгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Албатта, барчамизнинг истагимиз, тилагимиз битта: қани эди, юртимизда ажрим деган нохуш ҳолатнинг ўзи бўлмаса, оилалар пароканда, болалар тирик етим бўлиб, сарсон-саргардон бўлмаса.

Мен бир фикрни қайта-қайта айтишдан чарчамайман.

**Оила — бу меҳр ва бахт қўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу — энг улуғ саодатдир. Машҳур қўшиқлардан бирида айтилганидек, "Уйида бахти борлар — ҳар ерда бахтиёрдир".**

Мен азиз йигит-қизларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: турмуш қуришга, оилага, фарзанд тақдирига ниҳоятда чуқур масъулият билан қаранг. Бу масалага юзаки ёндашиб, ҳам ўзингиз, ҳам ўзга бир инсон ҳаётини хавф остига қўйманг.

Мен бу борада кўпни кўрган маҳалла фаоллари, муҳтарам фахрийларимиз, кайвонилар, маънавиятимиз ва динимиз фидойилари, ўз тенгдошларига ибрат бўлиб келаётган ёшларимиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиладилар, деб ишонаман.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Сизларга маълумки, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттиришимизни таъкидладим.

Бу йўлдаги муҳим қадамларимиздан бири сифатида шу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказамиз.

Бу борадаги ишларимизни жадаллаштириш учун "2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси"ни қабул қилиб, уни амалга оширишга киришмоғимиз лозим.

Қизларимиз тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва ҳунарларни эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига алоҳида аҳамият беришимиз зарур.

"Аёллар дафтари" бўйича "маҳаллабай", "хонадонбай" ишлаш усули орқали ҳар бир маҳалла ва хонадон кесимида уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишимиз шарт.

Барчангизга яхши аёнки, жойларда янги-янги "IT-парк"лар ташкил этяпмиз. Бу орқали меҳнат бозорида "ақлли технологиялар", инновациялар асосида амалга ошириладиган янги хизмат турлари кўпайиб бормоқда.

Бу жойларда ким ишлайди? Бу бозорни ким эгаллайди? Албатта, ўзимизнинг болаларимиз, қизларимиз эгаллаши керак.

Айниқса, китобхонлик, адабиёт, санъат ва спортга меҳр ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Хабарингиз бор, кейинги пайтда жамиятимиз ҳаётида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш бўйича янги қарор ва



дастурлар қабул қилдик. Уларни тўлиқ амалга оширишда биз биринчи навбатда сиз, ҳурматли хотин-қизларимизнинг фаоллигингиз, юксак интеллектуал салоҳиятингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз.

**Қадрли ватандошлар!**

Ҳар йили ушбу қутлуғ сана арафасида ўқишда, ишда, жамоат ишларида, ўзининг истеъдод ва қобилиятини намоён этишда дастлабки ютуқларга эришган иқтидорли қизларимизни Зулфия номидаги давлат мукофотлари билан тақдирлаш мамлакатимизда эзгу бир анъанага айланиб қолди.

Бугун ана шундай қизларимиз қаторига яна 28 нафар иқтидорли ёшларимиз қўшилмоқда. Улар келгусида худди Зулфия опамиз сингари ўқишда, меҳнатда, шахсий ҳаётда, ўз истеъдоди, билим ва қобилиятини Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этишда барча ёшларимизга ўрнак бўладилар, деб ишонаман.

Айни вақтда бугунги байрам арафасида кўп йиллар давомида ўз соҳасида катта натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган опа-сингилларимиздан 297 нафари "Мўътабар аёл" нишони билан тақдирланди.

Куни кеча қабул қилинган Фармонга мувофиқ, оила ва жамиятни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари учун ҳурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи юксак давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Келинглар, уларнинг барчасини самимий олқишлаб, чин дилдан табриклайлик!

Бугунги файзли, унутилмас кунда Сизлар билан бирга опа-сингилларимизнинг муносиб вакилларига ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган қизларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медалларни топшириш мен учун катта фахр ва шарафдир.

**Ҳурматли дўстлар!**

Биз юртимиздаги ҳар бир аёл тимсолида, аввало буюк зот — Она сиймосини кўрамиз. Шу боис **"Аввало онангизга ва яна бир бор онангизга яхшилик қилинг"**, деган муборак ҳадисга амал қилиб, мўътабар оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни инсоний бурчимиз, деб биламиз. Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, Сизларнинг олдингиздаги ***бу қарзимиз ҳаққини, минг хазина билан ҳам адо этиб бўлмайди***.

**Биз яхши тушунамиз — хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади.**

Барчамиз — Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, ана шу муҳим мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

**Азиз ва муҳтарама опа-сингиллар!**

Сизларни 8 март байрами билан яна бир бор чин қалбимдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Доимо яқинларингиз, фарзанд ва набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юриш насиб этсин!

Умрингиз узоқ, бахтингиз зиёда бўлсин!

Гўзал байрамингиз муборак бўлсин!

Барчангизга катта раҳмат.



## Агар сени тушунишса, шунинг ўзи бахт!

Аёлларга бахт учун кўп нарса керак эмас, дейишади. Тўғри. Лекин кўп-камлик мезонлари нисбий-да. Пули кўп одамга қимматбаҳо совға ҳеч гап эмас, камхарж одамга эса бир даста гул ҳам кўплик қилиши мумкин, байрам кунлари, айниқса, гулдасталар қимматлаб кетишини ҳисобга олсак...

Шунинг учун мен аёлга бахт учун нима керак дейилганда, аниқроқ нарсаларни айтгим келади. Булар: хотиржамлик, келажак, яшаяжак кунларига, эртасига ишонч, яқинларининг муҳаббат ва эътибори ҳамда ўзини рўёбга чиқариши учун имконият.

Ҳар бир аёл - алоҳида бир шахс. Уни қайирмаслик, синдирмаслик, зўрлик қилмаслик, қаддини тик тутиб яшашига йўл бериш – булар ҳамманинг қўлидан келса керак. Аёлга шу бахтни кўп кўрманг, ҳурматли эркаклар.

Аёлларимизни баҳор ва гўзаллик байрами билан чин дилдан қутлайман. Соғ бўлинг, гўзал бўлинг, севимли бўлинг, ардоқланинг ва хавотирларсиз, тўкис яшанг. Доим ёнингиздагилар сизни тушунишсин. Ўша машҳур фильмда айтилган ўша машҳур гап: "Агар сени тушунишса, шунинг ўзи бахт!"

**Шаҳноза СОАТОВА,**
**Адлия вазири маслаҳатчиси**



## Бугунги кун раҳбар аёли қандай бўлиши керак?

Бугунги кунда кўплаб соҳаларда раҳбар аёллар фаолият юритмоқда. Бу биринчидан, республикамизда давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ислоҳот бўлса, иккинчидан, аёлларимиз нафақат оилада балки, жамият ҳаётида ҳам фаол эканликларини кўрсатади.

Менинг фикримча бугунги раҳбар аёллар сиёсий билимларни чуқур эгаллаган, тиришқоқ, ҳар жабҳада ўз йўналиши ва мустақил фикрига эга бўлиши керак.

Аёлнинг бошлиқ, етакчи бўлиши нафақат у ишлаётган жамоа учун, шу билан бирга унинг ўзи учун ҳам янгиланиш, юксалиш имконини беради.

Раҳбар аёл ҳар жиҳатдан қолганларга ўрнак бўлиши лозим. Ҳатто, оиласи, фарзандларини ҳам ибрат даражасига кўтариши ва кўтаргандан сўнг албатта ўша даражада ушлаб туришга ҳаракат қилиши керак.

Аёл азал-азалдан латофати , жасорати, матонати билан юксак эҳтиром ва эътирофга сазовор. Ҳар бир аёл бахтга, меҳрга, садоқатга муносиб.

Шоирона айтганда:
*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,*
*Деманг юрибди-ку, кулиб, жилмайиб.*
*Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин.*
*Дунёни олиши мумкин жилмайиб...*

Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарама аёллар!

**Севара ЎРИНБОЕВА,**
**Адлия вазирлиги Матбуот котиби**



## Аёл ҳам оиласини, ҳам ишини бир хилда бошқара олади!

Жамиятда аёлларнинг ўрнини қанча қадрласак шунча кам. Аслида, ҳал қилувчи қарорлар қабул қилинадиган жараёнларда аёлларнинг иштироки мавжуд давлатларнинг улкан натижа ва самарадорликка эришганлигини кўпчилик яхши билади.

Жамият тараққиёти учун зарур бўлган — донолик, сезгирлик, хайрихоҳлик, мустаҳкам ироданинг барчаси аёлларда мужассам. Зеро, буюк лашкарбошилардан тортиб олимлар, даҳолар, ихтирочилар ютуқлари теграсида Она тарбияси мавжудлигини унутмайлик!

Қачон аёлнинг кўнгли хотиржам ва ишида унумдорлик бўлади? Аёл қачон ўз ишини сидқидилдан, бор маҳорат билан бажариши мумкин? Қачонки унинг оиласи тўкис ва фаровон, фарзандлари ва яқинлари соғлом бўлар экан, аёл ўзини бахтли сезади.

Аёл киши бир вақтнинг ўзида ҳам яхши уй бекаси, фарзанд тарбияловчиси, ҳам яхши ишчи бўла олмайди — деганлар адашади. Аёллар шу қадар мослашувчанки, буларнинг барчасини бир вақтда бекаму кўст адо эта олади.

Шу билан бирга, аёллар ҳам ўзларига ғамхўрлик қилинишини, нафосатли бўлишни, севимли машғулотларига вақт ажратишни исташади. Ва бу жуда қувонарли ҳолат, албатта. Аёл ўз гўзаллиги ва севгиси билан барчага бахт улашади.

Барча мафтункор аёлларимизга юқори марраларни забт этишдан тўхтамасликларини, соғлиқларига эътиборли бўлиб, бахтли дамларини яқинлари билан бирга ўтказишларини ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдан чарчамасликларини тилаб қоламан.

**Шохидахон ЮЛДАШЕВА,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**



## Аёлга эҳтиром — буюк қадрият!

Бугун юртимизда ҳар бир соҳада аёлларнинг фаоллиги кўзга ташланади. Опа -сингилларимиз Ватанимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият ҳисобланади.

Ўз навбатида, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган биз хотин-қизларни эъзозлаш мақсадида турли имтиёз ва қулайликлар, рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Аёлнинг нафосати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиши дунёдаги энг буюк санъат асарларининг уларга бағишланганида намоён бўлади.

Фусункор баҳорнинг илк айёми, хотин-қизларимизнинг қутлуғ байрамида азиз опа-сингилларимизга энг самимий, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман, барчаларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бугунгидек шижоатлари ҳеч қачон сўнмаслигини тилайман.

**Севара ЗАКИРОВА,**
**Давлат хизматлари агентлиги Ахборот хизмати раҳбари**




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Самарқанд вилояти бош бошқармаси жамоаси**

*мамлакатимизнинг барча аёлларини, опа-сингилларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан муборакбод этади.*

*Мазкур байрамнинг айнан фасллар келинчаги Баҳорда нишонланишида ҳам теран маъно-мазмун мужассам.*

*Тилагимиз — мунис аёлларимизни баҳорий хушкайфият, гўзаллик ва латофат асло тарк этмасин.*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган.

# Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд вилояти минтақавий филиали жамоаси

*Азиз опа-сингиллар, мунис онахону дилбар қизлар!*

*Сизларни фасллар келинчаги Баҳор ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриклайди.*

*Ҳеч шубҳасизки, жаннатмонанд диёримизда барқарор бўлган тинчлик-осойишталик ва файзу барака фидокорона меҳнатингиз, оилангизга садоқатингиз ҳамда ҳамиша эзгулик истаб яшашингиз туфайлидир. Шундай экан, сизларни бугунги қутлуғ айём билан муборакбод этаётганимиздан мамнунмиз.*

*Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.*




Хизматлар лицензияланган.


Маргарет ТЭТЧЕР

***МАРГАРЕТ Тэтчер — афсонага айланган аёл. У аёлларнинг сиёсатда тутган ўрни ҳақидаги доимий тушунчани буткул ўзгартириб юборди. Тэтчер хоним Бош вазир лавозимини 11 йил давомида эгаллаб турди. Бу Буюк Британия ва бошқа бир қанча мамлакатлар учун рекорд кўрсаткичдир.***

# Афсонага айланган аёл

Маргарет Тэтчер нозик ҳилқат вакиллари нафақат оилани эгаллашлари мумкинлигини, балки оналик, бекалик вазифаларини карьера билан ўзаро мувофиқлаштиришни уддалай олишларини барчага исботлаб берди. У умрининг охирги кунларига қадар турмуш ўртоғи билан бир тану бир жон бўлиб ҳаёт кечирди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Маргарет Тэтчер, шунингдек, дунё мамлакатлари биринчи хонимларининг гардероблари ва дунё дизайнерлари коллекцияларида ҳозиргача бот-бот кўзга ташланувчи башанг услуб асосчиси ҳамдир. Мазкур услубдаги энг машҳур деталлар — костюм-юбка (эътибор беринг, шим эмас!), ҳашамдор марварид ва тўғноғич, кўкрак қисмига боғланадиган банд билан уйғунлаштирилган ипак блуза, шляпа, одми ва силлиқ теридан ишланган ортиқча безакларсиз сумкалар барчага таниш.

"Темир хоним" эътирофи фақатгина унинг шахсий ва сиёсатчи сифатидаги ҳислатларини эмас, "хоним" сўзига урғу бериб турувчи услубни ҳам акс эттиради. У аёллар ҳуқуқлари учун тинмай курашди ва бу борада муайян натижаларга ҳам эришди. Маргарет Тэтчер ҳар қандай вазиятда ҳам виқор, мағрурлигини сақлаб қола олган буюк сиёсатчи ва ҳақиқий хоним эди.

"Темир хоним"нинг қуйида келтирилган машҳур иборалари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас!

Кучли ва иродали бўлинг, ҳақиқий хоним, аслида, шундай бўлади. Агар бу тушунча сизга бегона бўлса, демак, сиз ўзга тоифага мансубсиз.

***

Бизнинг 90 фоиз ташвишларимиз ҳеч қачон амалга ошмайдиган масалалар хусусида бўлади.

***

Суҳбатдошингиз билан тил топишиш учун унинг ҳар бир гапига қўшилишингиз шарт эмас.

***

Менга омад кулиб боқди, демайман. Зеро, барчасига ўз кучим билан эришдим.

***

Агар натижа мен истагандек бўлса, ҳаддан зиёд сабрли бўлишга ҳам тайёрман.

***

Уй аёл киши учун чегара эмас, марказ бўлиши лозим.

***

Пасткаш инсонлар буюкларни муҳокама қилиб роҳатланадилар.

*“Мен бойлик орттириш мақсадида ёзмайман, балки туйғуларимни қоғозга тушираман холос”, деб ёзган эди Агата Кристи.*

# Детектив асарлар ҚИРОЛИЧАСИ


Агата КРИСТИ

1890 йил 15 сентябрда Фред ва Клара Миллер оиласида учинчи фарзанд дунёга келди. Унга Агата Мэри Кларисса деб исм қўйишди.

1901 йилда оила бошига бахтсизлик тушди, Агатанинг отаси оламдан ўтди. Шу билан унинг бахтли болалиги ҳам ўз ниҳоясига етди.

Ўшанда ёш қизча малика Маргонинг "Бошингга осмон қулаб тушса ҳам кулиб тур" шиорига амал қилди. 11 ёшли Агата доришунос ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади. У ерда заҳарлар тўғрисида билимларни ўрганди. Кейинчалик детектив асарлар ёза бошлаганида бу билимлар унга асқотди.

Агатанинг биринчи детективи " Стайлздаги сирли жиноят" деб номланиб, у асарини нашриётга жўнатиб, бутунлай эсидан чиқариб юборади. 1918 йилда уруш тугайди. Кунларнинг бирида нашриётдан бош муҳаррир имзоси билан хат келади. У Агатага асарларини чоп эттиришни таклиф қилган эди. Хатнинг ичидан биринчи детективи учун қалам ҳақи — 25 фунт пул чиқади.

Агата энди пул топа бошлади, тез орада турмуш ўртоғи Арчи билан Лондондан 30 чақирим наридан уй сотиб олишди. Тўғри, қўшнилари бу уй бахтсизлик келтиришини кўп бора такрорлашди. Аммо оила ниятидан қайтмайди. Орадан икки йил ўтгач, Арчи бошқа аёл билан танишиб, оиласини ташлаб кетади. Ўша йил адиба ҳаётидаги энг оғир йиллардан бири бўлди.

Эри бошқа аёлни севиб қолганлигини тан олган куни Агата уйдан чиқиб кетди. Уни бутун Англия қидирди: полиция, журналистлар, оддий халқ вакиллари. Ўн кундан сўнг уни шаҳар меҳмонхоналаридан биридан топишди, у Тереза Нил исми билан қайд қилинган эди.

Агата ажрашишга ариза берди. Бу орада унинг онаси вафот этди. Танқидчилар уни "Роджер Экройднинг ўлими" асарида диний қадриятлар устидан кулганликда айблашди. Акасини гиёҳванд деб топиб, руҳий касалхонага жойлаштиришади. Агати молиявий муаммоларга дуч келади.

1928 йили Агата шарққа саёҳатга жўнайди. Бу унинг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади Бағдодда ёш олим, археолог Макс Мэллоуэн билан танишади. Қизнинг розилиги билан улар турмуш қуришади. Аммо ёзувчи фамилиясини ўзгартирмади. Чунки у шу ном билан обрў орттирган ва машҳур эди-да.

Улар биргаликда 45 йил умргузаронлик қилишди, бу муҳаббатда ўтган 45 йил эди.

Агата ўз ижодий ҳаёти давомида 78 та детектив роман ҳамда юздан зиёд ҳикоялар ёзди ва детектив қироличаси деб тан олинди. У ўз асарларини ўйлаб топмасди, балки улар дунёсида яшарди. 68 ёшида уни детектив жанри ёзувчилари клубининг президенти этиб сайлашади. Ва умрининг охиригача шу лавозимда қолади. 1971 йилда Агата Кристининг ўлимидан сўнг уни Британия империясининг иккинчи даражали кавалерлик орденига лойиқ топишди.


Габриэл Коко Шанел

# *Парфюмерия қироличасининг армони*

***ГАБРИЭЛ Коко Шанел қўшиқчи бўлишни орзу қиларди, лекин буюк модельер бўлиб танилди. У ўз оиласи бўлишни истарди, хушторлари кўп эди, аммо умрининг охиригача ёлғиз яшади.***

Онасининг вафотидан сўнг отаси уни ибодатхонага топширади. Озодликни севувчи Габриэл 18 ёшга тўлган куниёқ у ерни тарк этади. У роҳиба бўлишни хаёлига ҳам келтира олмасди.

Мустақил ҳаёти осон кечмади. Шу боис у барларда қўшиқ айтиб кун ўтказишга мажбур бўлди. У ҳар кеч саҳнага чиқиб, машҳур "Кокони кўрганлар борми?" қўшиғини айтар, ўтирганлар "Коко!" Коко!" деб қичқиришарди. Шундай қилиб Коко Габриэлнинг иккинчи исмига айланди.

Унинг хушторлари кўп эди, аммо у аскар Этьен Бальсанага кўнгил қўйди. Йигит чиройли, қувноқ, гапга чечан эди. Лекин турмушнинг олахуржунини бўйнига осишга шошилмасди. Габриэл эса машҳурлик, омад ва бойликни орзу қиларди.

Кокониг яхшигина овози бор эди, аммо шляпа тикишни қўшиқ айтишдан-да яхши кўрарди. Шу икки касб қизнинг келажагини белгилаб берди. Ўтган асрда Францияда мода ҳақидаги ҳар қандай суҳбат шляпадан бошланарди. Эркаклар эътиборини жалб қилиш учун бу бош кийимни қандай кийган маъқул қабилидаги гап-сўзлар аёлларнинг асосий суҳбат мавзуи эди. Габриэл янги моделлар ўйлаб топар, унинг ҳар бир шляпаси санъат асари даражасига айланарди. Коко Шанел оддийгина тикувчи эмас, чинакам рассом эди.

Коко жазмани Этьен билан муносабатларининг келажаги йўқлигини яхши тушунар, шу боис у билан алоқаларни узишга аҳд қилди. Бунинг устига йигит қизнинг ҳунарини бўлмағур иш деб ҳисобларди.

Қиз очган модель уйига Этьеннинг дўсти капитан Артур Кейпел маблағ берди. У Этьендан фарқли ўларок, Кокониг иқтидорига ишонарди. Бундан ташқари, капитан қизга ошиқ ҳам эди. Артур оддий тикувчи қизни юқори табақа вакиллари дунёсига олиб кирди. Унинг ёрдамида қиз Довиледа ўз дўконини, Биарриццеда шахсий модель уйини очди. Габриэл бошқа модельерлар услубини қайтармас ва ҳеч ким ботина олмаган ишларга қўл урарди. Масалан, у биринчи бўлиб калта юбкани ўйлаб топди, шунингдек, ҳаммадан олдин жинсидан костюмлар тика бошлади. Шундан сўнг унинг номи бутун Францияда машҳур бўлиб кетди.

Энди унинг бирдан бир орзуси турмушга чиқиш эди. Артур бир муддат йўқ бўлиб кетар, кейин яна пайдо бўларди. Қиз эса доим уни ҳеч нарса бўлмагандек қарши оларди. Артур унга хиёнат қилганини билганда ҳам бунга кўз юмиб қаради. Артур ҳам буни билар, у ҳам Кокони йўқотишни истамасди. Аммо у кутилмаганда Лорд Листернинг қизига уйланди. Шундан сўнг унинг умри Париж ва Лондон орасида ўтди. 1919 йили эса Кани йўлида автоҳалокатга учраб вафот этди.

Артурнинг вафотидан сўнг Коко ўзидаги руҳий тушкунликни енгиш учун ишга шўнғиди. Шу билан ўзини овутди гўё. У аллақачон мода парфюмериясиз ҳеч нарса эмаслигини, улар иккиси бир-бирини тўлдиришини тушуниб етган эди. Шу боис Артурнинг ўлимидан сўнг парфюмерия билан ҳам жиддий шуғуллана бошлади. Ўтган асрнинг 20-йилларида атирлар сони у қадар кўп эмас эди. Габриэл нафақат мода оламида, балки парфюмерия оламида ҳам тўнтариш ясади. У барча тақиқларни рад этиб, парфюмерия оламига сирли ва одамларни ҳаяжонга солувчи атирларни олиб кирди. Бунинг сири фақатгина Коко ва унинг дўсти, кимёгар Эрнест Богага аён эди. Янги атирга Коко "Шанель № 5" деб ном беради.

"Шанель №5" унга машҳурлик ва бойлик келтиргани ҳақиқат. Коко бахтли, аммо у ҳамон ёлғиз эди.

Кунлардан бир кун Монте Карлода Коко англиялик герцог Вендор Гросвенор билан танишиб қолади. Шундан сўнг герцог аёлни ишқий мактублар, гуллар ва сархил мевалар билан кўмиб ташлайди. Аммо Габриэл тезда таслим бўлмади. Улар бироз бахтли яшашди. Аммо герцог фарзанд кўришни истарди. Коко бу пайтда 46 ёшда эди. Шифокорларнинг барча кўрсатмаларига амал қилди аммо мўъжиза рўй бермади. Шу боис герцог 1930 йилда Лоэли Мэрига уйланди.

Шундан сўнг Коко Парижга қайтиб кетди. Ҳаёт ўзгарган, кўплаб дўстлари яқинлари вафот этишганди. Муваффақият у кутмаган жойдан келди. Унинг моделлари Америкада катта муваффақият қозона бошлади.

Мода оламидаги янги Диор, Баленсиаг, Живаншилар Шанелга яна ўз ўринларини бўшатиб беришга мажбур бўлишди. Унинг кўйлаклари яна Париж аёллари гардеробини эгаллади. "Шанель" атири бошқа атирларни бозордан сиқиб чиқара бошлади. Коко 88 йил умр кўрди. Дунёдаги энг бой аёллардан бирига айланди. Лекин армон билан дунёни тарк этди.

# СОЛИҚ ИДОРАСИДАН "СОЛИҚ" УНДИРИЛДИ

*ХАЛҚИМИЗДА "кўр ҳассасини бир марта йўқотади", деган гап бор. Лекин бу иборани солиқ идораларига алоқаси йўқ чоғи. Чунки йил давомида бу ташкилот томонидан айнан бир хил қонунбузилиши ҳолатларига такрор ва такрор йўл қўйилганлиги, масъул ходимларнинг лоқайдлиги натижасида давлат бюджетига зарар етказилганлигига гувоҳ бўлдик.*

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаро О.Х.нинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Унда келтирилишича, О.Х. Яшнобод туман давлат солиқ инспекциясидан ишдан бўшаган. Аммо, меҳнат дафтарчаси қайтарилмаган.

Аниқланишича, инспекциянинг 2019 йил 1 июлдаги буйруғига мувофиқ, давлат солиқ бош инспектори О.Х. билан тузилган меҳнат шартномаси унинг аризасига биноан Меҳнат кодексининг 97-моддаси биринчи бандига асосан бекор қилинган бўлсада, меҳнат дафтарчаси мурожаатни ўрганиш кунига қадар унга қайтарилмаган ва инспекция томонидан ариза муаллифининг уй манзилига меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида хабарнома ҳам юборилмаган.

Меҳнат кодексининг 108-моддаси ва Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3.1-бандига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаган кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаган куни тўғрисида илгари киритилган ёзув, ушбу Йўриқноманинг 2.8-бандида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Мазкур ҳолат юзасидан шаҳар адлия бошқармасининг фуқаролик ишлари бўйича Яшнобод туманлараро судига меҳнат дафтарчаси кечиктирилган ҳар бир кун учун ўртача иш ҳақини ва етказилган маънавий зарар суммасини ундириш юзасидан киритилган даъво аризаси Меҳнат кодексининг 270-моддасида кўрсатилган муддатлар важи билан рад этилди.

Бироқ суднинг бу ҳал қилув қарори юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция шикояти киритилди.

Судлов ҳайъатининг жорий йил 26 январдаги ажримига кўра, адлия бошқармасининг апелляция шикояти қаноатлантирилиб, фуқаро О.Х. фойдасига Яшнобод туман давлат солиқ инспекциясидан жами 44 миллион сўм иш ҳақи ва 5 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

**Ш.ШАРИПОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**

## Ходим огоҳлантиришсиз ИШДАН БЎШАТИЛДИ...

ФУҚАРО М.Сайдалиев Сардоба туманидаги 10-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида жисмоний тарбия йўриқчиси лавозимида ишлаб келаётган эди. Уни кутилмаганда "маълумотинг ўрта-махсус", дея ишдан бўшатишди. Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз меҳнат шартномаси бекор қилинган М.Сайдалиев вазиятга ҳуқуқий ечим топиш илинжида Сардоба туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Мазкур мурожаатни ўрганиш давомида, ташкилот директорининг ходимни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги тегишли буйруғида бир қатор хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Буйруқни расмийлаштириш билан боғлиқ хатоликларга тўхталмаймиз, бироқ ходимни вазифасидан озод қилиш учун амалга оширилиши лозим бўлган тартиб-қоидаларни эслатиб ўтмоқчимиз.

Меҳнат кодексининг 102-моддаси 1-қисмида иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо қўйдириб) огоҳлантириши шарт:

— меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги, шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда бекор қилинганда камида икки ой олдин огоҳлантирилиши шарт деб белгилаб қўйилган.

Афсуски, ташкилот директори кодексда назарда тутилган ушбу нормаларга амал қилмаган. Туман адлия бўлими аралашуви билан М. Сайдалиевнинг муаммоси ижобий ҳал этилди. Ташкилот директорининг ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилинди.

**Илҳом ЮНУСОВ,**
**Сардоба туман адлия бўлими бошлиғи**

## ХОДИМЛАРГА ҚАЙСИ РАЗРЯД АСОСИДА ҲАҚ ТЎЛАНИШИ КЕРАК?

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар" 4-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Чилонзор туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг ҳар бирида 1 штат бирликда кадрлар бўйича менежер лавозими мавжуд бўлиб, уларга юқоридаги иловада кўрсатилганидек эмас, балки 5-разряд билан иш ҳақлари тўланиб, қонунбузилишига йўл қўйилганлиги туман адлия бўлими томонидан аниқланди.

Адлия бўлими томонидан халқ таълими бўлими маъмуриятига тақдимнома киритилиб, умумтаълим мактабларида кадрлар бўйича менежерлик лавозими 5-разряддан 6-разрядга кўтарилди. Шу жумладан, кадрлар бўйича менежерлик лавозимининг бир ойлик иш ҳақи ҳозирги кунда 940 минг 193 сўм этиб белгиланди. 5-разряд билан иш ҳақи тўланаётган кадрлар хизмати ходимларининг разрядларини 6-разряддан кам бўлмаган суммага қайта-ҳисоб китоб қилиб тўлаб берилди.

**Суннатилла РАҲМОНОВ,.**
**Чилонзор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси**

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги "Қовунчи тепа" кўчасида истиқомат қилувчи Ўткирбек Эргашев 2019 йилда туғилган фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома ололмай васийлик ва ҳомийлик органига ҳамда шаҳар тиббиёт бирлашмасига бир неча бор мурожаат этгани, аммо муаммоси эътиборсиз қолаётгани хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ишонч телефони"га мурожаат йўллаган.

## МАСЪУЛЛАР ЎЗ ИШИНИ БИЛМАС ЭКАН

# ФУҚАРОЛАР САРСОН БЎЛАВЕРАДИ

Мазкур мурожаат Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ўрганилганда Ў.Эргашевнинг турмуш ўртоғи Зарина Сейдалиева Россия давлатида туғилганлиги, шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд эмаслиги сабабли, бир неча маротаба элчихонага мурожаат қилган бўлсада, ижобий натижа чиқмаганлиги маълум бўлди.

Шу орада уларнинг оиласида фарзанд дунёга келиб, унга гувоҳнома олиш муаммоси пайдо бўлган. Онасининг ҳужжатлари йўқлиги учун васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда шаҳар туғруқхонасидагилар бу ишни пайсалга солганлиги оқибатида болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилмай қолган.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганда, боланинг туғилганлигини қайд этиш тиббиёт муассасасининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма мурожаатларига асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бироқ, фуқаро Ў.Эргашевнинг мурожаати тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилмасдан рад этилаверган.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда Янгийўл туман ФҲДЁ бўлими ходимлари кўмагида Ў.Эргашевнинг 2019 йил 27 октябрда туғилган фарзанди Шаҳзода Ҳасановага 2021 йил 26 февраль куни туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар Ободонлаштириш маҳалласида яшовчи Мадина Имомназарованинг қарамоғидаги жиянi, 2014 йилда туғилган Соҳиб Алимардоновнинг мактаб ёшига етганлиги, бироқ, унинг шу вақтгача туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси йўқлиги тўғрисидаги мурожаати ҳам бошқарма мутасаддилари иштирокида ўрганилди. Натижада, муаммо ҳал этилди ва Соҳибжон ҳам ўз тенгдошлари қатори мактабга бориш имкониятига эга бўлди.

Олмалиқ шаҳар "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи Дилдора Ибрагимова ҳам ёлғиз ўзи икки нафар фарзанди билан онасининг уйида яшаётганлиги, ҳеч қаерда ишламаслиги, фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишда ёрдам сўраб Давлат хизматлари агентлигининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилган.

Аниқланишича, Дилдора Ибрагимова фуқаро Жасурбек Абдувалиев билан қонуний никоҳда бўлмаганлиги сабабли 2017 ва 2020 йилда туғилган фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштирилмаганлиги маълум бўлди. Қонунчиликда белгиланган тартибда Олмалиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими томонидан аёлнинг ҳар икки фарзандига ҳам туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

**Аббос АҲМЕДОВ,**
**Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

## ЭЪЛОНЛАР

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 25 февралдаги 3-сон йиғилиш қарорига асосан бошқарманинг 2021 йил 25 февралдаги 72-ум-сон буйруғига асосан жорий йилнинг 26 февраль кунидан 26 апрель кунига қадар Деҳқонобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Жобборовга (лицензия KS 0039, 27.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатга тўхтатилди.

***

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 15 февралдаги 44-ум-сонли буйруғига асосан "ADVICE" адвокатлик фирмаси адвокати Ниязов Феруз Равшанбековичга Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 27 декабрда HZ 000042 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тугатилди.

***

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 17 февралдаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "Advokat Zafar" адвокатлик бюроси адвокати Нурутдинов Зафаржон Алимжановичга 2019 йил 14 январда берилган AN 000207 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми аризасига кўра тугатилди.

***

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 22 февралдаги 3-А-сонли буйруғига асосан адвокат Маллаев Каххорга "QO'NG'IROT ADVOKATLARI" адвокатлик бюросига ишга кирганлиги муносабати билан 128-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

***

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 10 февралдаги 2-сон йиғилиш қарорига асосан бошқарманинг 2021 йил 10 февралдаги 45-ум-сон буйруғига асосан жорий йилнинг 11 февраль кунидан 26 февраль кунига қадар Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Д.Холмановага (лицензия KS 0029, 27.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 15 кун муддатга ҳамда жорий йилнинг 11 февраль кунидан 11 апрель кунига қадар Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Якубовга (лицензия KS 0040, 27.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатга тўхтатилди.

Инсон ва қонун

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзад Миржалилович
Тожиев Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4360
Буюртма — V-4585

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

# “MEDIO SERVIS FARRUH”

## ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ ЖАМОАСИ

***Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган “MEDIO SERVIS FARRUH” хусусий клиникаси жамоаси Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Наврўз — умумхалқ байрами билан чин дилдан муборакбод этади! Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларингиздан қут-барака аримасин!***



“MEDIO SERVIS FARRUH” хусусий клиникаси халқимизга қуйидаги тиббий хизмат турларини таклиф этади:

- Уролог — Андролог
- Гинеколог
- Лор Невролог
- Стоматолог
- Ортопед — травматолог
- Кардиолог
- Гематолог Дерматовенеролог
- Лаборатория
- УЗИ (ультратовуш диагностикаси)
- МСКТ
- Панорамный рентген
- ЭКГ
- ЭХО Массаж
- Физиотерапия




**Мурожаат учун телефонлар:**

**67 225 86 00**
**67 226 73 73**
**67 236 33 33**

Хизматлар лицензияланган.